

Сийрат дарслари (63-дарс). Пок тупроқ билан таяммум қилинглари



13:45 / 13.12.2019 4528

304. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга у зотнинг сафарларидан бирига чиқдик. Байда ёки Зотул Жайшда эканимизда мунчоғим узилиб кетди. Уни ахтариш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб қолдилар. У киши билан бирга одамлар ҳам туриб қолишди. Уларнинг сувлари йўқ эди. Одамлар Абу Бакрнинг олдига бориб: «Оишанинг нима қилганини кўрмайсанми? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва у киши билан бирга одамларни ҳам тутиб қолди-ку! Одамлар сув бор жойда ҳам эмаслар, ўзлари билан сувлари ҳам йўқ», дейишди. Абу Бакр келганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошларини сонимга қўйиб ухлаб қолган эдилар. Шунда у (Абу Бакр) менга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва одамларни тутиб қолдинг. Улар сув бор жойда ҳам эмаслар, улар билан сувлари ҳам йўқ», деди. Абу Бакр мени итوب қилиб, Аллоҳ нима дейишини хоҳлаган бўлса, ўшани деди ва қўли билан биқинимга турта бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сонимга бошларини қўйиб ётганларигина мени қимирлашдан тўсар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ухлаб туриб, сувсиз бўлиб қолдилар. Шунда Аллоҳ таяммум оятини нозил қилди. **«Бас, пок тупроқ билан таяммум қилинглари»**, деди.

Усайд ибн Хузайр (у нақиблардан бири эди): «Эй Оли Абу Бакр, бу сизларнинг биринчи баракангиз эмас», деди.

Оиша айтадики: «Сўнг мен минган туяни турғизган эдик, мунчоғимни ўшанинг тагидан топдик».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

305. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам жунуб ҳолларида ухламоқчи бўлганларида фаржларини ювар ва намознинг таҳоратини қилар эдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жунуб ҳолда ухламоқчи бўлганларида таҳорат қилардилар. Ейиш ёки ичишни ирода қилганларида эса, икки қўлларини ювар, кейин еб-ичар эдилар», дейилган.

Насоий ва Ибн Хузайма ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан